2007 ЙИЛ, 4 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 172 (10.981) Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

●Тошкентда жорий йил 10-12 сентябрь кунлари Ўзбекистон III халқаро пахта ярмаркаси ҳамда IV пахтачилик ва тўқимачилик халқаро конференцияси бўлиб ўтади.

●Пойтахтимизда «Тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш» мавзуига бағишланган биринчи ўзбек-немис Ёзги академияси иш бошлади. Ушбу тадбирда Потсдам ихтисослашган институтидан саккиз нафар профессор ўқитувчи, ўн нафар талаба, Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтларидан 50 нафардан ортиқ олим, аспирант, магистрант ва бакалаврлар иштирок этишмоқда.

●Яқинда «Шўртангаз» унитар шўъба корхонасида яна бир янгилик жорий этилди. Иккита газ сиқув-компрессор агрегати фойдаланишга топширилди. Улар бир йилда уч миллиард куб метр тозаланган газни қувурларга ҳайдай олиш қувватига эгадир.

● Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги 30дан ортиқ мактабнинг спорт зали қайтадан қурилди. Туман маркази — Бешработ қўрғонида эса янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

● Хонқа туманида пахта тозалаш заводи ўрнида қад ростлаган педагогика ва спорт ихтисоси йўналишидаги 720 ўқувчига мўлжалланган коллежда 3 сентябрдан ўқув машғулотлари бошланди. Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига туҳфа сифатида очилган, лойиҳа қиймати 2 миллиард 264 миллион сўм бўлган бу янги ўқув маскани «Жанубгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти «Хиванефтгазқурилиш» унитар корхонаси бунёдкорларининг меҳнати билан барпо этилди.

● Олтиариқ туманидаги «Газтекс» масъулияти чекланган жамиятида соф пахта толасидан тайёрланаётган экологик тоза иш кийимлари Россия ва украиналик газчиларга жўнатилмоқда. Бугунга қадар хорижлик газчиларга етказиб берилган маҳсулот қиймати 120 минг долларни ташкил этади.

●Навоий вилояти, Конимех туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида янги тикувчилик корхонаси иш бошлади. Бу ерда Қизилқум чўлида меҳнат қилаётган чўпонлар учун қишки кийимлар тайёрланаётган бўлиб, 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

●Термиздаги пластик қувурлар, эшик-девор блоклари ва иншоотларга ички безак бериш материалларини ишлаб чиқарувчи «Сурхонпласт» заводи жамоаси ҳар хил идиш-товоқларни чиқаришни ўзлаштирди. Ҳозирда бу ерда тоғоралар, челаклар ва бошқа идишлар тайёрланмоқда.

●Хоразм вилоятининг Хонқа тумани марказида 450 ўринли киноконцерт залининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

●Корея Халқ Демократик Республикаси ўзининг барча ядро объектларини шу йилнинг охиригача ёпади. Бу ҳақда АР хабар тарқатди.

●БМТ бош котиби Пан Ги Мун Суданнинг Дарфур вилоятига ташриф буюрмоқчи. Унинг сўзларига кўра, бош котиб этник тўқнашувлар ўчоғига айланган Дарфурдаги мавжуд вазиятни ўз кўзлари билан кўриб қайтишни мўлжаллаган.

●Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида ҳақиқий байрам кайфияти ҳукм сурмоқда. Чунки бир ярим ойдан зиёдроқ вақт Афғонистонда Толибон жангарилари томонидан асирда ушлаб келинган 19 нафар кореялик ўз юртига қайтиб келди.

●Буюк Британия Ироқдан ҳарбий кучларини олиб чиқишни бошлади. Ўтган куни 500 нафар британиялик аскар ва ҳарбий техникалар Басрадан маҳаллий аэропортга ўтказилган.

●Япония қишлоқ хўжалиги вазири Такехико Эндо истеъфога чиқди. У ушбу лавозимда бор-йўғи бир ҳафта ишлади холос. Маҳаллий матбуотда пайдо бўлган хабарда кўрсатилишича, вазир фермер хўжаликлари уюшмасини бошқарган вақтда коррупцияга аралашиб қолган.

●Якшанба куни кечқурун Словакияда йўловчи автобус ҳалокатга учради. ИТАР-ТАССнинг хабарига кўра, автобуснинг тоғ йўлига кўтарилиш пайтида тормози ишламай қолган ва 50 метр пастга қулаб тушган. Ҳалокат натижасида 6 нафар йўловчи ҳалок бўлган.

●АҚШнинг Флорида штатидаги Санкт-Петербург шаҳарчасида истиқомат қилувчи 29 ёшли Каролина Билер бир йўла олти фарзанд кўрди. Етти ойда туғилган эгизакларнинг бир нафари қиз, қолганлари ўғил болалар. Шифокорларнинг таъкидлашича, гўдакларнинг оғирлиги 1 килодан 1,5 килогача бўлиб, улар яна икки ой врачлар назоратида бўлишади.

●Ливан армияси мамлакат жанубидаги Наҳр ал-Барид фаластинликларнинг қочоқлар лагерида назоратни тўлалигича қўлга олди. Ушбу лагерга жойлашиб олган «Фатҳ ал-Ислом» жангари гуруҳи аъзолари беш ойдирки, мамлакат қуролли кучларига тинчлик бермай келарди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Ҳамза туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла гузарида «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб маҳалла фаоллари, фахрийлари, ёшлари иштирокида ўтказилган байрам тадбири ва концерт томошаси «Истиқлолинг муборак, Ўзбекистоним» деб номланди.

●**ҲАМЗА** туманидаги Авиасозлар маданият саройида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорликларида юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тадбири «Истиқлолим—истиқболим» деб номланди.

●**ЮНУСОБОД** туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида юртимиз Истиқлолининг 16 йиллиги муносабати билан маҳалла фаоллари, фахрийлари, ёшлари иштирокида байрам тадбири уюштирилди, йиғилганларга ош тортилди.

●**СОБИР** Раҳимов туманидаги 28-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбирда мазкур илм маскани қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолият бошлаганлиги маълум қилинди.

●**ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Ватанимиз рамзлари» деб номланди.

●**31-МЕҲРИБОНЛИК** уйида тарбияланувчилар, «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши аъзолари ва фаоллари иштирокида «Биз—мустақил юрт фарзандларимиз» шиори доирасида уюштирилган тадбир мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*Шу азиз ватан барчамизники*








**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ “ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ” МАВЗУИДАГИ МАЪРУЗАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛАТЛАР ВА ДИНЛАРАРО ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР АНИҚ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИШЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАЁТГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.**

## БОҒДА ЎТГАН ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб “Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!” мавзуида ўтказилган дўстлик кечасида шу ҳақда сўз борди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, юртимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари ва дипломатик корпус, миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборининг янада мустаҳкамланиши йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларда юртимиздаги мустаҳкам қарор топган тинч ва осуда ҳаёт, бағрикенглик ва аҳиллик муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элатлар ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётир. Юртимизда барча миллат вакилларининг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир.



Марказ томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!» мавзуида дўстлик фестиваллари, ижодий анжуманлар, сайллар, мусиқий кечалар, бахши ва оқинлар айтишувлари, бадиий ва фотокўргазмалар ташкил этилди.

Бобур номидаги боғда ўтган кечада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларининг бадиий жамоалари ўз мусиқий дастурларини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Сарвар Ўрмонов олган суратлар**

*Ватан ҳимояси — муқаддас бурч*

## КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИДА БИРИНЧИ КУРС КУРСАНТЛАРИНИНГ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН БУ ЕРГА КУРСАНТЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ, ЯҚИНЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ЙИҒИЛДИ.**



Анъана тусини олган ушбу тадбир ҳар йили 1 сентябрь — энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунида ўтказилишида теран маъно бор. Зеро, ўтган 16 йиллик шонли давр мобайнида барпо этилган миллий армиямиз ҳам, бугун ўзбек ўғлонларининг ўз Ватанида армия мактабини ўташи-ю, шу юртда қасамёд қабул қилиши ҳам — барчаси истиқлолимиз шарофати, мустақиллигимиз берган улкан имкониятлар самарасидир.

Тадбирда Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи полковник Муҳиддин Бойбусов, биринчи курс курсанти Шерзод Ғафуров, ота-оналар номидан сўзга чиққан Ҳуснора Абдуллаева ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига улкан эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасида таъкидлаганидек, юртимизда кўплаб жабҳалар каби ҳарбий соҳада ҳам бемисл ютуқларга эришилди. Бунинг натижасида Ватанимизнинг хавфсизлиги Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланмоқда, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касбга, том маънодаги шон-шараф ишига айланди.

Армия хизматини ўтаётган йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, Ватан ҳимоясига доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Бунда мамлакатимиздаги етакчи олий ҳарбий таълим масканлари, жумладан, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мотоўқчи, разведкачи ва чегарачи бўлинмаларига юқори малакали офицер кадрлар, шунингдек, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарларини етказиб берадиган мазкур билим даргоҳида жорий йил қабул қилиниб, бугун халқига, Президентига содиқ бўлишга онт ичган бўлғуси офицерларнинг келгусида етук профессионал кадрлар бўлиб етишиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Фарғоналик Оқилжон Алиев болалигидан ҳарбий либос кийиб, офицер бўлишни орзу қилиб улғайди. Жисмоний машқларни канда қилмаган бу йигит ўтган йили Самарқанддаги ҳарбий қисмда йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб, қўмондонликнинг тегишли тавсияномасига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланган Оқилжон жорий йилда мазкур олий ҳарбий билим юрти курсанти деган шарафли номга сазовор бўлди.

— Эндиги мақсадим, — дейди О.Алиев, — бор куч-ғайратим, ақл-заковатимни ишга солиб, барча имкониятлардан тўла фойдаланиб, энг яхши офицер — малакали кадр бўлишдан иборат.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларни янада хушнуд этди.

Курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган бундай тантанали маросимлар мамлакатимиздаги бошқа олий ҳарбий билим юртлари, жумладан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида ҳам бўлиб ўтди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Осиё чемпионати — 2007*

## ТУРНИР САРҲАДЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**«ТОШКЕНТ ТЕННИС МАРКАЗИ» КОРТЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ АСТА-СЕКИН ҚИЗҒИН ПАЛЛАСИГА ЧИҚИШ АРАФАСИДА. КЕЧА БЎЛАЖАК ИККИНЧИ ДАВРА МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ.**

Ҳамюртларимиз аёллар жадвали бўйича саккизта ўйиндан бештасида қатнашган бўлса, фақат учта қизимиз кейинги даврага чиқишга муваффақ бўлди.

Сабина Ковтунова (саралашдан чиққан) ва Диляра Саидхўжаева (вилд кард бўйича иштирок этмоқда) рақибларининг имкониятларига қараганда, маҳорат бобида қизларимизнинг кучи сезиларли даражада фарқ қиларди. Сабина саккизинчи бўлиб сараланган Ксения Палкина (Қозоғистон)га қарши кортга тушган бўлса, Диляра рейтинги бўйича анча устун келган гонконглик ўйинчи билан беллашди.

Диана Норзиқулова ва Альбина Хабибуллина ҳозирча ишончимизни оқлашга ҳаракат қилмоқдалар (улар ҳам вилд кард асосида иштирок этмоқда). Аммо иккинчи даврада бу спортчиларимиз анча тер тўкишига тўғри келади, шекилли. Эртага улар турнирда сараланган ўйинчилардан Ирода Тўлаганова ва Рушми Чакравартига қарши кортга тушишади.

*(Давоми 4-бетда).*

# Хатлар — ҳаёт ойнаси

*Ҳар биримиз Энг улуғ, энг азиз байрамимиз—юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллигини тантана қилдик. Очиғини тан олиб, таъкидлаш лозимки, Истиқлол бизга кўп неъматларни туҳфа этди. Аввало, эркимиз ўз қўлимизга ўтди, тарихимиз, миллий қадриятларимиз сўз эркинлиги тикланди, ўзбек тили Давлат тили даражасига кўтарилди. Ўз мадҳиямиз, байроғимиз, гербимизга эга бўлдик. Ҳамюртларимизнинг ҳуқуқий билими ошмоқда. Айниқса мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳрида, вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларидан қалбимиз ғурур ҳиссига тўлади. Хуллас, гапираман десак, гап кўп. Аммо, бизни қувонтирадигани кишиларимиз дунёқарашида, фикрлашида юз бераётган ижобий ўзгаришлардир. Ана шу жараён ҳар ойда эълон қилинаётган «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси орқали сиз азизлардан келаётган хатларда, телефон қўнғироқларида, юзма-юз мулоқотларда яққол сезилади. Унда жамият тараққиёти йўлида ҳар бир тармоқда, соҳада юз бераётган ўзгаришларга, янгиланишларга муносабат акс этади. Кимдир хатида бирор бир жабҳадаги камчиликни танқид қилса, кимдир ана шу нуқсонни бартараф этиш учун қай йўсинда ҳаракатланиш лозимлиги ҳақидаги таклифини баён қилади. Кимдир бирор бир тармоқдаги ислоҳотлардан мамнунлигини изҳор қилса, кимдир оилавий ҳаётидаги воқеаларни газетхон билан баҳам кўришга интилади.*

*Шу боис ҳам, ҳар бирингизни Истиқлол айёми билан таҳририят номидан самимий қутлаган ҳолда Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятига мудом хат йўлланг, 133-08-74 телефонига сим қоқинг, деб қоламиз.*

*Газетхон миннатдорчилик билдиради*

## БОР БЎЛСИН, ЯХШИЛАР

**ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БЎЛАДИКИ, ДОИМ ЎЗИНИ ЭМАС, ЎЗГАЛАРНИ ЎЙЛАЙДИ, ФАҚАТ БОШҚА БИРОВЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ, ЁРДАМ ҚЎЛИНИ УЗАТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. ШУНДАЙ ҚАЛБИ ДАРЁ САХОВАТПЕША ИНСОНЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН.**

Учтепа туманидаги «Ўткир», «Бешқайрағоч» маҳаллалари оралиғида сабзавот дўкони очиш зарурати туғилди. Тўғрида, бир кило, ярим кило помидору сабзи учун ҳам бозорга қатнаш шартми? Хуллас, «Она-бола» марказий шифохонаси олдидаги биринчи гуруҳ ногирони, аслида ўзи меҳрга муҳтож, кўнгли тоза инсон Эркин ака Умаров ғайратли чиқиб қолди. Эркин аканинг саъй-ҳаракати, куюнчаклиги туфайли сабзавот дўкони ташкил этилди.

Тобора яқинлашиб келаётган Истиқлолнинг 16 йиллиги арафасида эса айнан Эркин аканинг ташаббуси билан ҳомийлар кўмагида хайрли иш амалга оширилди. Гап шундаки, Зиё Саид кўчасининг катта чорраҳасига йўлчироқ ўрнатилди. Тан олиш керакки, мазкур чорраҳада 30 йилдан бери йўлчироқ йўқлиги туфайли қанчадан-қанча нохуш воқеалар рўй бермади, дейсиз. Эркин Умаровнинг елиб-югуриши натижасида бунёд бўлган йўлчироқ юқорида номлари тилга олинган маҳаллаларда яшовчи каттаю-кичикни бирдек хурсанд қилди. Кўпчиликнинг дуоси қўл дейишади. Сиз узоқ йиллар ана шундай савоб ишларни қилаверинг, дуо олаверинг, асло кам бўлмайсиз Эркин ака, дея мактубни маҳалладошлар номидан якунлар эканмиз, яхши инсонлар сафи кенгаяверсин, деймиз.

**Анвар АҲМЕДОВ,**
**Учтепа тумани меҳнат фахрийси.**

**ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — ЮРТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИК. БУНИ ҚАРАНГКИ, ҲАМОН ЮРТИМИЗДА, ХУСУСАН ПОЙТАХТИМИЗДА БАЙРАМ ШУКУҲИ КЕЗИБ ЮРИБДИ. УШБУ БАЙРАМНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ҲАҚИДА, ҲАР БИР ТАРМОҚ, ЖАБҲАДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРУ ЯНГИЛАНИШЛАР ХУСУСИДА КЎП ВА ХЎП ГАПИРСАК ҲАМ ОЗ. АММО, КАМИНА ҲУҚУҚШУНОС БЎЛГАНЛИГИМ ТУФАЙЛИМИ, ҲУҚУҚИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРГА БИРОЗ ТЎХТАЛИБ ЎТМОҚНИ ЛОЗИМ ДЕБ БИЛДИМ.**

*Эътироф*

## ИСТИҚЛОЛИМ — ИСТИҚБОЛИМ

Аввало, ҳамшаҳарларимизнинг, хусусан ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги йилдан йилга юксалиб бораётганлигини айтмасак инсофдан бўлмас. Ҳозирги кун кишисининг онги, ҳуқуқий билими анча ошганлиги туфайли у бундан 16 йил аввалги ўз бурчидан, ҳуқуқидан бехабар инсон эмаслигини яна бир карра эслагим келади.

Камина йигирма йилдан бери давлат нотариуси сифатида фаолият юритаётган бўлсам, тан олишим керакки, бундан 10 йилларча илгари қонунларни яхши билмаслик, ҳуқуқий билими пастлиги туфайли кўп ҳамшаҳарларимиз нотариус хизматидан унумли фойдалана олишмасди. Мерос, ҳатто машина, квартира олди-сотдиси масалаларида кўп янглишмовчиликлар келиб чиқар, натижада яқин қариндош-уруғлар, ака-ука, опа-сингиллар, ота-онлару фарзандлар ўртасида низолар юз берар, бундай ҳолат баъзида нохушлик билан хотима топарди.

Албатта, камина бу сўзим билан ҳозир ҳар бир инсон ўз ҳуқуқию бурчини тўлиқ билади. Шу туфайли оилалар, яқинлар ўртасида юз бериши мумкин бўлган низолар барҳам топган демоқчи эмасман. Аммо, тан олиш жоизки, ҳозир кўпгина ёшлар, ўрта ёшлиларнинг ҳам ҳуқуқий саводи ошди.

Мен янги иш бошлаган кезларда кўпинча ғалати воқеликларга дуч келар ва бундан ҳайратланардим. Мисол учун бир ҳовлида ота-она тўрт ўғли, неваралари билан истиқомат қилади. Қизиғи, фарзандларнинг ҳаммаси ота-онадан ҳовли-жойни эгаллашга ҳақли. Албатта, бу жараён фарзандларга қандайдир умид бахш этиши ҳам табиий. Демак, ота-она нима қилиши керак. Албатта фарзандлар билан бамаслаҳат уларни алоҳида уй-жой билан таъминлаши зарур. Ёки ҳовлида қолаётган ўғилларга уй-жой мулкини нотариус орқали аниқ ҳужжатлар асосида мерос қилиб қолдириши даркор. Айта оламанки, бундан 14-15 йиллар аввал айрим ёки кўпчилик ота-оналар уй-жойини ё ҳовлисини фарзандларига нотариус орқали эмас, аксинча гувоҳларсиз ўз қўли билан ёзилган ёзма васиятнома орқали мерос қолдиришган бўлса, ҳозирда аксарият ота-оналар мерос масаласи бўйича тўғридан-тўғри нотариусга мурожаат қилишмоқда.

Ҳурматли газетхон, сиз нотариат ходими бироз ошириб юбордиёв, бу гапларнинг Мустақилликка қандай алоқаси бор, деб ўйлашингиз мумкин. Хато қиласиз. Чунки ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўлида жойларда мутасадди ташкилотлар кўмагида қанчадан-қанча ўзгаришлар қилиняпти. Биргина «Камолот» ЁИҲ ёки унинг тумандардаги бўлимлари ёшлар ўртасида «Ҳуқуқ ва бурч» мавзусида давра суҳбатлари, ўқув машғулотлари ўтказишяпти. Бу каби савобли юмушни Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари амалга ошираётганликлари, аҳоли ўртасида ўқув курслари ташкил этаётганликлари ҳам Истиқлол шарофатидандир.

Дарвоқе, мамлакатимизда ўлим жазосининг қонун йўли билан бекор қилинганлиги ёки қамоққа олишга санкция беришнинг судлар ихтиёрига ўтказилиши ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводи ошганлиги ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

Истиқлол шукуҳи кезиб юрган ушбу кунда дилимда йиғилиб қолган сўзларимни тугатар эканман, ҳамюртларимизга Мустақиллигимиз абадий бўлсин, дейман.

**Икром ИСМОИЛОВ,**
**Юнусобод туман 6-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси**

## «СУХАНОВО» ИЖОДКОР ЎСМИРЛАРНИ ТЎПЛАДИ

**МОСКВАДАГИ «СОВРЕМЕННИК» ТЕАТРИНИНГ БУ САФАРГИ МАВСУМИ ЎЗИГА ХОС ТАРЗДА ЯКУНЛАНДИ. БИР ОҚШОМДА УНИНГ САҲНАСИДА ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ЎСМИРЛАР ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН САККИЗ ДАҚИҚАЛИК МЎЪЖАЗ СПЕКТАКЛЛАРДАН 13 ТАСИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УЛАРДАН ИККИТАСИ ТОШКЕНТЛИК МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАЛАМИГА МАНСУБДИР.**

Ушбу ўзига хос халқаро маданий лойиҳа «Игра 3000» нотижорат шериклик ташкилотининг «Современник» ва Эдинбург (Шотландия) шаҳридаги «Треверс» театрлари билан ҳамкорлигида, қатор ташкилот ва ҳомийлар кўмагида амалга оширилди.

...Икки ҳафта мобайнида Москва остонасида жойлашган «Суханово» Меъморлар ижодий уйи Озарбойжон, Арманистон, Ўзбекистон ҳамда Россиянинг турли шаҳарларидан келган ўсмирларни ўз атрофига жамлади. Ушбу лойиҳада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташкилотчилигида «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти марказининг турли студиялари тарбияланувчилари мамлакатимизни намоён этдилар.

Мактаб ўқувчилари икки ҳафта давомида Россия ва Буюк Британиядаги малакали драматург ва режиссёрлар кўмагида ўз асарларини ёзишди. Сўнгра улар муаллиф сифатида Москва театрлари актёрларининг саҳна машқларида иштирок этишди. Булардан ташқари, болалар Москвага боришиб, Кремлни кўздан кечиришди, «Цветной бульвар»да цирк томошаларидан баҳраманд бўлдилар.

«Суханово»га рассомлар, кулоллар, майин ўйинчоқларни тайёрлайдиган усталар ҳам келишиб, моҳир қўллар дарсларини ўтказишди. Буларнинг натижаси ўлароқ, маданий дастурнинг сўнгги куни «Современник» театрининг кириш саҳнида болалар қўллари билан ясалган сопол буюмлар ва расмларнинг ўзига хос, гўзал экспозицияси пайдо бўлди.

— Буларнинг ҳаммаси ажойиб ижодий муҳит шароитида кечди, — дейди тошкентлик Эльвина Саркисова. — Тенгдошларимиз ҳамда устозлар билан мулоқотда бўлиш биз учун жуда қизиқарлидир.

— Менинг ҳам таассуротларим олам жаҳон, — дейди Равшан Ваҳобов. — Ҳақиқатан ҳам бу ишларнинг ҳаммасини биз ўзимиз бажардик, катталар эса ғояларимизни малакали шаклга келтириш юзасидан кўмаклашиб турдилар, холос. Биз ота ва бола муносабатлари мавзуига бағишланган «Ота» номли ўз пьесамизни ёздик. Сўнгра унинг ва бошқа спектаклларнинг саҳнага қўйилиши жараёнини кузатиш бизга айниқса қизиқарли бўлди.

Ўсмир юртдошларимиз ёзган иккинчи мўъжаз асар ҳам мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Таъкидлаш керакки, лойиҳанинг якуний кечасида том маънодаги байрам руҳи ҳукмрон бўлди. Унда кўплаб томошабинлар қатори «Современник» театрининг бадиий раҳбари Галина Волчек ва театрнинг бошқа санъаткорлари ҳам иштирок этдилар. Ялпи маданий чиқиш ниҳоясига етганидан сўнг Галина Волчек ўсмирларни самимий қутлар экан, уларни бугунги муваффақиятлар билан чегараланиб қолмасликка, изланишда давом этишга чақирди.

— Бу порлоқ ижодий йўлнинг бошланишидир, — деди у. — Мазкур лойиҳа доирасидаги ижодий мулоқотлар келажакда ҳам мана шундай муваффақият билан давом этишига умид қиламиз.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**«Жаҳон» АА Москва**

*Таълим*

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ БИР НЕЧА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА. ҚИБРАЙ ЭНЕРГЕТИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ҲАМ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ТАЯНЧ НЕГИЗИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.**

Университет «Энергетика» факультетининг «Энергетика соҳалари касб таълими ва умумий электроника» кафедраси билан ҳамкорлик айниқса яхши самаралар бермоқда.

Коллежда иссиқлик энергетикаси ускуналари, назорат ўлчаш асбоблари бўйича олиб борилаётган ўқув жараёнларини уюштиришда кафедранинг ёрдами катта бўлмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш жоизки, янги яратилган «Электр ускуналарини монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш» деб номланган қўлланма ҳам кафедра билан коллеж ҳамкорлигида босмага тайёрланди.

## МЕҲМОНЛАРДА ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ХОРИЖДАГИ БИР НЕЧТА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БИЛАН ЯҚИН АЛОҚА БОҒЛАБ КЕЛМОҚДА. ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЁНГ НАМ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҲАМ ЯХШИ САМАРАЛАР БЕРМОҚДА.**

Кўнгиллилик хизмати ва маданият алмашинув дастури бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ана шу нуфузли дастур истиқболини таъминлаш режалари белгилаб олинди. Шу мақсадда Ёнг Нам университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларидан иборат делегация Тошкентда бўлди. Ўзаро таълим ва академик алмашув келишувига асосан уюштирилган бу сафар чоғида кореялик меҳмонлар Тошкентдаги Меҳрибонлик уйлари ҳаёти билан танишдилар. Кўнгиллилик хизмати дастури талаблари бу болалар муассасаларида аъло даражада амалга оширилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

## ФАКУЛЬТЕТДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА КАТТА ТАРАДДУД КЎРИЛДИ. АЙНИ ВАҚТДА ҚАТОР ЯНГИ ЎҚУВ КУРСИ ВА БЎЛИМЛАР ҲАМ ОЧИЛДИ.**

Олий ўқув юртининг тарих факультетига қабул қилинган талабалар сони бир мунчага ортди. Бу факультетда янги йўналишда ташкил этилган археология ва этнография бўлими ҳисобига амалга оширилди. Факультетнинг мазкур бўлимига 25 нафар талаба қабул қилинди. Улар археология ва этнография таълими йўналишида таҳсил кўриб, малакали мутахассислар бўлиб етишадилар.

Янги ўқув режалари ҳам ишлаб чиқилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Акс садо*

## МАҚОЛАДАН ТАЪСИРЛАНДИМ

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ 18 ИЮЛЬ СОНИДА МИРЗО МУҲАММАД АЛИШЕРНИНГ «ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР БЕЛЛАШДИ» САРЛАВҲАЛИ ХАБАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. УНДА РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ, «КАМОЛОТ» ЁИҲ ҲАМКОРЛИКЛАРИДА МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» ТУРНИРИНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАН БОСҚИЧИ УЮШТИРИЛГАНЛИГИ, ҒОЛИБ ЖАМОАНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИЛАДИ.**

Қувонарли томони шундаки, ушбу хабарни ўқиган Тошкент вилояти, Чиноз туманида яшовчи Мухлиса Абдунабиева таҳририятга хат йўллади. Қуйида эътиборингизга ушбу мактубни ҳавола этамиз.

«Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти ходимларига сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаган ҳолда мактубимни ёзаяпман. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, «Тошкент ошқоми» доимо менинг севимли газетам бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Гарчи ўзим Чиноз туманида истиқомат қилсамда газетанинг ҳар бир сонини топиб, ўқишга ҳаракат қиламан. Сўзимнинг исботи сифатида 18 июлда газетада эълон қилинган «Ёш футболчилар беллашди» мақоласини ўқиб ниҳоятда таъсирланганлигимни айтмоқчиман. Аввало, мақолада Сергели туманида ўтказилган «Футболимиз келажаги» турнирининг туман босқичи натижалари аниқ ёритилганлигини таъкидлаш жоиз. Сизлардан илтимосим шуни, газетангиз саҳифаларида спорт янгиликларига, болалар спорти ҳақидаги таҳлилий мақолаларга ҳам кенг ўрин берилса.

**Мухлиса АБДУНАБИЕВА,**
**Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Сар-бозор» маҳалласи.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: аввало, чинозлик Мухлиса Абдунабиевага миннатдорчилик билдирган ҳолда шуни маълум қиламизки, газетамиз саҳифаларида жисмоний тарбия ва спортни, хусусан футболни болалар орасида оммалаштириш мақсадида таҳлилий материаллар, спорт хабарлари деярли ҳар сонда ёритиб борилади. Ва таҳририятимиз ижодий жамоаси ушбу йўналишда хабарлар, лавҳалар, мақолалар эълон қилишни бундан кейин ҳам давом эттиради.**

**Дарвоқе, мактуб муаллифининг Чиноз туманида яшашига қарамай, имкон топиб, «Тошкент оқшоми» газетасини доим кузатиб бориши бизни беҳад хурсанд қилди. Шу боис ҳам имкон қадар газетамизда қизиқарли, турли хил мавзуларда айниқса, мамлакатимиз ва жаҳон спортига оид, материаллар бериб боришни яна бир карра ният қилиб қўйдик.**



*Суратдаги келажаги порлоқ мусаввир ёшларни кўриб ҳур ўлкамиз Истиқлол шарофати туфайли келажаги буюк давлатга айланди, деган ўй хаёлга келади. Дарҳақиқат, Энг улуғ — энг азиз байрамимиз туфайли ҳар бир соҳада, хусусан, санъат соҳасида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилаётганига, ҳозирда кўплаб ёшлар Чингиз Ахмаров ёки Рўзи Чориев, Акмал Нур сингари атоқли рассом бўлиб етишишига ишонч ҳосил қиласан киши.*

***Бахтиёр Содиқов олган суратлар***



*Маслаҳат*

## КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗАРАР?

**ШАҲАР ДЎКОНЛАРИГА КИРАСИЗМИ, БОЗОРЛАР, КЎЧА-КЎЙ ЁКИ ХОНАДОНЛАРДА БЎЛАСИЗМИ — ФАРҚИ ЙЎҚ, БАРИДА ЎНЛАБ ХИЛ СИГАРЕТАЛАРНИ БЕЖИРИМ ТАХЛАБ, КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИБ ҚЎЙИШГАНКИ, КАШАНДАЛИККА САЛ МОЙИЛ ОДАМНИНГ ИШТАҲАСИНИ «КАРНАЙ ЭТИБ» ЮБОРИШИ ҲЕЧ ГАП ЭМАС. БУНДАЙ МАНЗАРАГА ДУЧ КЕЛГАН БОШЛОВЧИ-ЧЕКУВЧИ АЛБАТТА, ЎЗИНИ ТЎХТАТИБ ҚОЛОЛМАЙ, АВВАЛ 1-2 ДОНА, КЕЙИНРОҚ «МАЗАСИНИ» ТУШУНГАНДАН КЕЙИН ЭСА ҚУТИЛАБ ОЛАДИГАН БЎЛАДИ.**

Молини кўз қамаштирадиган қилиб қўйиш, мақташ ҳам ўзига хос реклама.

Хўш, биз ана шу усти ялтироқ, чиройли сигареталар харид қилар эканмиз, уларнинг соғлиғимизга жиддий зарари тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Менинг касбим шифокор бўлгани учун ҳам баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддиларининг маълумотларига кўра, чекиш инсон соғлиғига зарар етказибгина қолмай, балки унинг умрини қисқартириб, ҳаётини заҳарлайди. Шу боис дунё миқёсида унга қарши кенг кураш олиб борилмоқда. АҚШ жамоат соғлиғини сақлаш хизматининг маълумотига кўра мамлакатда ҳар йили 100 минг нафардан кўпроқ киши чекиш қурбони бўлар экан.

Маълумки, тамаки таркибидаги никотин тери, оғиз ва нафас шиллиқ пардалари орқали тезда сўрилиб, қонга ўтади. У дастлаб асаб ва бошқа тўқималарни «қитиқлаб», сўнгра юрак қон томирлари, нафас, эндокрин ҳамда овқат ҳазм қилиш органларини шикастлайди. Кейинроқ эса тўқималар никотиннинг «қитиқловчи» таъсирисиз ишлолмайдиган бўлиб қолади. Натижада кашанда одам чекмасдан бирон бир ишга қўл уролмайдиган ҳолатга тушади. Тамаки тутуни йўтални келтириб чиқаргач, балғам кўпаяди ва тўқима ҳужайраларининг чарчашига сабаб бўлади. Шундан кейин сурункали бронхит ва ҳатто зотилжам, сил, саратон каби хасталикларни келтириб чиқаради.

Никотиннинг ҳайвонларга таъсири тажрибадан ўтказиб кўрилганда, 2,5 йилдан сўнг ўпкада ҳақиқий саратон ўсмаси пайдо бўлган. Шунингдек, у асаб фаолиятига ҳам таъсир этиб, қон босимини оширади, юрак уришини тезлаштиради. Охир-оқибатда, юрак мускулларининг кислород сарфлаши кескин кўпайиб, «иш режаси» бузилади. Таъкидлаш жоизки, кашандаларда чекмайдиганларга нисбатан стенокардия касаллиги 13 марта кўп учрайди ва аксарият ҳолларда у юрак инфаркти билан якунланади.

Айниқса, никотиндан ҳосил бўладиган бензиприм моддаси она организмида ривожланаётган эмбрион тўқималарига салбий таъсир кўрсатади — чақалоқ турли нуқсонлар билан туғилади.

Чекиш организмнинг ички секреция безлари, шу жумладан, жинсий безларга ҳам ёмон таъсир қилади, яъни қонга жинсий гармонлар чиқиши камаяди. Бу эса киши руҳини тушириб, иш қобилиятини пасайтиради, натижада тез қаришга олиб келади.

Тамакининг сон-саноқсиз зарарларини ва хавфли эканини таъкидлаган ҳолда сигареталар сонини камайтириб бориш йўли билан уни албатта, ташлаш лозим, деган маслаҳатни бермоқчимиз. Ишончимиз комилки, сизнинг иродангиз олдида бундай иш ҳамирдан қил суғургандек осон бўлмаса-да, бироқ уддаласа бўладиган оддий ишдир.

Хулоса қилиб айтганда, чекишнинг олдини олиш ва унга қарши кураш соғлом авлодни вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Сабоҳат ШОРАСУЛОВА,**
**Шайхонтоҳур тумани**

